Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 13-sentabr, shanba № 114 (3463)

Бизнинг мақсадимиз — дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш.
Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари!
Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари, ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар раҳбарлари ва мазкур саммитга таклиф этилган меҳмонларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга самимий меҳмондўстлик ва бугунги учрашув юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугун бу ерда давлат раҳбарлари томонидан ШҲТнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан билдирилган фикрларга қўшиламан. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан қисқа даврда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутаётган нуфузли халқаро тузилмага айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Кейинги вақтда, дунёнинг турли жойларида қарама-қаршилик ва кескинликлар кучайиб бораётган бир шароитда ташкилотга аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

ШҲТнинг Миллий координаторлар кенгаши, Хавфсизлик котиблари ва экспертлар кенгаши даражасида амалга оширилаётган улкан ишларни ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Имкониятдан фойдаланиб, қуйидаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, афғон муаммосини бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча томонлар бир масалада якдилдир, яъни Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод вояга етди. Жорий йилнинг июн ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шуни кўрсатдики, афғон халқи тўхтовсиз қон тўкиш ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронагарчиликдан чарчади ва бугунги кунда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истайди.

Айни пайтда сайловчиларнинг овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш ва давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришга расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли хавотир уйғотмоқда.

Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда ички сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига реал хавф солиши, мазкаралар жараёнида муросага эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакилларидан ташкил топиши мумкин бўлган коалицион ҳукуматни шакллантиришга халақит бериши мумкин.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши таҳдидларнинг кучайиши ва беқарорликнинг ўсишига, террористик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайишига ҳамда наркотрафик кўламининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан узоқ бўлган ҳудудларда ҳам ортишига олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак.

Бундай вазиятда Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни қисқа муддатда турли бузғунчи ва террористик гуруҳлар эгаллаб олиши мумкин.

Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда айрим сиёсий кучлар ва уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатларнинг Афғонистонда тартибсизликни юзага келтириш ва вазиятни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор этиб бўлмайди. **Қисқача айтганда, Ироқдаги бугунги вазият такрорланади.**

Ўзбекистон Афғонистон билан ўзининг барқарор ва дўстона муносабатларини ҳар икки мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва фақат икки томонлама ҳамкорлик асосида ўрнатмоқда ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутади. Афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни қўллаб-қувватлайди.

Дунё иқтисодиётида юзага келаётган аҳволни таҳлил қилар эканмиз, халқаро молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий оқибатлари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тенденция ШҲТ фаолиятида иштирок этаётган барча мамлакатлардаги вазият ва улардаги ривожланиш сурьатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аниқ амалий натижаларга эришиш учун иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берадиган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси ва унинг Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор» ташкил этиш борасидаги ташаббус муҳим ўрин тутади, деб ҳисоблаймиз. Мазкур коридор минтақадаги барча мамлакатларнинг узоқ муддатли иқтисодий, айниқса, трансминтақавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги манфаатларини илгари суришга, нафақат ушбу лойиҳа иштирокчилари, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини сезиларли равишда кучайтиришга кўмаклашади.

Украинадаги муаммони бартараф этиш бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқача баён этишни истардим.

Биринчи. Украинадаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Минск шаҳрида эришилган келишувларни, Украина ва Россиянинг ушбу масала юзасидан билдирган таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчи. Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан шу йилнинг 4 мартида Украинадаги қарама-қаршиликка барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Украина ва Россия ўртасида **тўғридан-тўғри музокара жараёнини** ўтказиш юзага келган вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўли экани ҳақида билдирилган таклифлар долзарблигича қолмоқда ва бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Учинчи. Украинадаги муаммо юзасидан ҳар қандай музокара жараёнларида Россиянинг тарихан кўп асрлар давомида шаклланган азалий манфаатлари ҳам эътиборга олиниши даркор.

Ушбу манфаатларни эътиборга олмаслик жиддий хато бўлган бўлур эди.

Фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинни ШҲТга навбатдаги муддатга раислик билан табриклаб, ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ШҲТНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 сентябр кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон пойтахтида 11 сентябр куни ШҲТ саммити доирасида Эрон, Тожикистон ва Россия раҳбарлари билан икки томонлама муҳим музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбега ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда.

Ислом Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида мунтазам фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

12 сентябр куни ШҲТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Хитой Раиси Си Цзиньпин, Россия Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев иштирок этди. Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фахрий меҳмонлар иштирокида ўтган кенгайтирилган мажлисда давом эттирилди.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият, жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги аҳволга тўхталди, шунингдек, Украинадаги муаммони бартараф этишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истиқболлари ва умумий манфаатга эга бошқа масалалар муҳокама этилди.

Саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг Душанбе декларацияси, ШҲТга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатларнинг мажбуриятларига тааллуқли қарор ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобилда юк ташиш бўйича қулай шароитлар яратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, ташкилотга навбатдаги раислик Россия Федерациясига ўтди.

Б.ЭРГАШЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Душанбе — Тошкент.

Андижон вилояти Избоскан туманидаги «Пойтуғ» маданият ва истироҳат боғи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан бу ерда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Болалар учун янги аттракционлар ўрнатилди. Гўзал ва сўлим дам олиш масканига айланган боғ ҳудудида амфитеатр мажмуаси ҳам барпо этилди.

Суратларда: Андижон вилояти Избоскан туманидаги «Пойтуғ» маданият ва истироҳат боғида.
ЎзА фотомухбири Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлашда инновацион технологияларни жорий этиш масалалари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари олимлари, мутахассислар иштирок этди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Анжуманда жорий йилнинг июн ойида пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Мазкур йўналишдаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёсда эътироф этилаётгани таъкидланди.

Конференция шўъба мажлисларида бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солувчи ва чўлланиш муаммоларининг олдини олишга қаратилган табиий, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий фанлар соҳасидаги инновацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари, қурғоқчил ҳудуд экотизимлари, табиат ресурсларини бошқариш, чўлланиш ва шўрланиш жараёнларини бартараф қилиш учун ер ва сувдан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасидаги фундаментал ва амалий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан маърузалар тингланди. Ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

— Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлиб, халқаро ташкилотлар фаолияти ва давлатлараро муносабатларнинг асосий йўналишига айланди, — дейди АҚШнинг Невада университети профессори Роберт Новак. — Шундай шароитда озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида замонавий инновацион технологияларни жорий этишнинг аҳамияти катта. Самарқандда ташкил этилган мазкур конференция шу жиҳати билан эътиборли бўлди ва дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим ва мутахассислар билан бу борада ўзаро тажриба алмашиб, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд вилоятидаги корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти билан танишди. Ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг ҳолатини ўрганди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йил 11 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принцип ҳамда талаблари, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов кампанияси жараёнига аралашиш ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишнинг олди олинади ва қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар билан таништирилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэътироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 13-sentabr № 114 (3463)

2014 йил — Соғлом бола йили

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, хуллас, ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши бор.

Оила — жамият қўрғони

— «Соғлом авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Маҳлиё Раззоқова. — Баркамол авлод тарбиясининг тамал тоши оилада шаклланади. Оиланинг маънавий устуни эса оналардир. Оилада барқарор муҳитни таъминлаш ҳар бир аёлдан катта масъулият талаб этади. Шу мақсадда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида кўплаб тадбирлар ташкил этаётирмиз. Ўтган даврда «Миллат келажаги оналар қўлида», «Аёл — оила қўрғонининг ҳам чироғи, ҳам чароғбони», «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирларда 25 минг 200 нафардан ортиқ аёлнинг иштироки таъминланди.

Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларга иш ва турмуш шароитлари яратилишига доир қатор афзалликлар комиссия таклифи билан жамоа шартномаларига киритилганлиги эътиборга молик. Сир эмас, бир қатор нодавлат сектори корхоналарида аёллар давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан бебаҳра қолаётганди. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати ҳамда дастур доирасида ташкил этилган тадбирлар бойс улар ҳам турли имтиёзлардан фойдалана бошлади. Жумладан, хусусий секторда меҳнат қилаётган 282 нафар болали аёлга маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаб қўйилди. Жамоа шартномаси орқали икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган ишловчи 412 нафар аёлга касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари ходимларнинг нафақат меҳнат жабҳасида, балки оила фаровонлигига эришишида ҳам таянч бўлмоқда. Албатта, иш унумдорлиги, меҳнат самараси, ходим хотиржамлиги, аввало, оилавий тинчлик, тотувликка боғлиқ. Касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар эътиборини ана шу масалага тортишга интилиб келмоқда. Айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оёққа туриб олишида кўмаклашиш ана шу йўналишдаги ишларнинг таъсирчан кўринишларидандир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан 62 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор буюмлари олиб берилишига эришилди. Янги уй-жой тиклаётган ходимларга 298,6 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмаларида амалга оширилган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Айни чоғда маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тушунмовчиликларга ўрин қолаётгани йўқ. Бу эса ходимларга иш шароити яратиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтиришда қўл келмоқда. Қатор ташкилот ва корхоналарда ходимлар ва уларнинг фарзандларига бир қатор афзалликлар яратилган. Вилоятдаги 84 та корхона ходимларининг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандлари тўлов контракт пуллари қоплаб берилаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, жорий йилда иш берувчилар томонидан 3540 нафар эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига 107,9 миллион сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

Мамлакатимизда ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларга иш шароити яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жабҳада ҳам касаба уюшмалари фаоллиги кўзга ташланмоқда. Жамоат ташкилоти томонидан касб-ҳунар коллежларининг 2222 нафар эҳтиёжманд ўқувчисига амалиёт ўташ чоғида ёки 265 нафар ёш мутахассисга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилганлигини айтиб ўтиш ўринли.

Мамлакатимизда ёш авлод вакилларининг хорижий тилларни ўрганиши учун барча имконият яратилди. Бундан улар унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Касаба уюшмалари ҳам бу масалада ёшларга кўмаклашмоқда. Айни пайтга қадар мазкур масалага иш берувчилар эътибори жалб этилиб, вилоятдаги 197 та ташкилот томонидан 214 нафар ходимлар фарзандларининг тил ўрганиши учун 39,9 миллион сўм маблағ ажратилишига эришилди. Жойларда мазкур ташаббусни кенгайтириш чоралари кўрилаётир.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Маънавият соатлари»да мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат дастурлари мазмун-моҳияти кенг оммага етказиб берилмоқда. Жумладан, «Мустақиллик берган имконият ва неъматлар», «Тинч ва осойишта ҳаёт қадри», «Мен ватаним учун нима қилдим?», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур», «Соғлом бола — соғлом ва аҳил оила меваси» мавзуидаги учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Аҳамиятли томони «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирлар қамрови кенгайди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. — Одатдаги йиллардан фарқли ўлароқ бу йил меҳнаткашлар фарзандларининг юртимиздаги қадимий шаҳарлар, муборак қадамжолар сари саёҳатини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятимизда истиқомат қилаётган 756 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари ана шундай туристик сафарда бўлишди.

Хуллас, инсонга наф келтиришни шарафли вазифага айлантирган касаба уюшмалари ҳар жабҳада фаол бўлишга интилиб келмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Андижон шаҳрида «Infinbank» очиқ акциядорлик тижорат хусусий банки Андижон филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ХАЙРЛИ АКЦИЯ

Тадбир доирасида ўтказилган хайрия акциясида бир гуруҳ меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари, 20 нафар болага спорт либослари топширилди. Банкнинг дастлабки 100 мижозига «Интернет-банкинг» хизматидан бир йил давомида бепул фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда ёш тадбиркорларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар тақдим этилди.

— Савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкдан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим, — дейди ёш тадбиркор Жамолиддин Комилов. — Давлатимиз томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор бизни ғоят мамнун этади. Мазкур банк ҳам юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, мен каби ёшларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантиришга ҳисса қўшади.

ЎзА





Навоий вилоятидаги «Моҳитобон Зарафшон» масъулияти чекланган жамияти истеъмол бозорига сифатли, йодланган ош тузи етказиб бермоқда.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА — ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ

Ўттиз киши меҳнат қилаётган корхонага хомашё Учқудуқ туманидаги Қамишбулоқ конидан келтирилади ва замонавий технологиялар ёрдамида қайта ишланади. Айни пайтда бу ерда уч турда йодланган ош тузи тайёрланаётир.

Суратларда: оператор Зариф Расулов; -ишчи Юлдуз Шукурова.

ЎзА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Чунончи, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни тенг шароитлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Фаолиятининг асосий принципларини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик ташкил қиладиган Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий мустаҳкамланганлиги сайловларнинг демократиклиги, очиқ ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айланди.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябр ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик тамойилига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бугунги кунда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

ЎзА

Кўрик-танлов

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан жорий йил давомида «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш» бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолиблари аниқланди.

2-босқич ғолиблари

Чунончи, «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши корхона» номинациясида биринчи ўринга Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Ф.Ҳожиев номидаги клиникаси, иккинчи ўринга Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси, учинчи ўринга Яккабоғ туман тиббиёт бирлашмаси лойиқ деб топилди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма қўмитаси» йўналиши бўйича Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси биринчи, Фарғона вилояти қон қуйиш станцияси касаба уюшма қўмитаси иккинчи, Қўшкўпир туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси учинчи ўринни қўлга киритди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши вакил» номинациясида биринчи ўринга Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Турдикул Бурхонов, иккинчи ўринга Кармана туман тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Азизжон Файзиев, учинчи ўринга Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Моҳира Мусаева муносиб кўрилди.

Танловнинг учала йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиблари якуний босқичда иштирок этади. Ғолиблар Республика кенгашининг махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Мафтункор юрт

Янгиланишлар нафаси уфуриб турган Хоразм вилоятида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ олиб борилаётган кенг кўламли яратувчанлик ишлари ўз самарасини беряпти. Кўҳна воҳа таниб бўлмас даражада ўзгариб бораяпти. Янги лойиҳалар асосида ишга туширилган корхоналар, иншоотлар, таълим масканлари ва шифохоналар, замонавий бинолар тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни кўрсатиб турибди.

«Олажа»нинг

Инсонга наф келтиришни олий бахт, деб билган касаба уюшма ташкилотлари ҳам кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш баробарида турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик тобора кучайтирилмоқда.

Айниқса, маҳаллалар билан қўлни қўлга бериб ишлаш кучайди. Кўп минг сонли касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган «Олажа» қишлоқ фуқаролар йиғини Хонқадаги ана шундай намунали масканлардан бири. Қуёшдан ҳам барвақт туриб, у ботгандан анча ўтказиб ором ҳақида ўйлайдиган одамларни «олажа»ликлар беҳаловат кишилар, деб аташади. Ҳаловат нималигини билмайдиган ҳамқишлоқлар тонг саҳардан томорқаларидаги юмушларини бажаради. Маҳаллада истиқомат қилувчи пиру бадавлат отахонларнинг айтишларича, эрта туришнинг хосияти кўп. Бундай одамлар, аввало, соғлом бўлади. Жисмоний меҳнат билан шуғулланиб, чиниқади. Кун бўйи тетик юради, иши унади. Ҳалол меҳнати билан ризқ топиб, турмушини обод этаётган «Олажа» ҚФЙ аҳлининг Хоразм вилоятида намуна бўларли жиҳатлари ҳам шунда.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

«Олажа» ҚФЙ 14 минг 400 нафарга яқин аҳоли, салкам 3500 та оилани бирлаштирган. Унга қарашли «Янги турмуш», «Ширин», «Ойдин ҳаёт» маҳаллаларида 2075 та хонадон жойлашган. Уларда умргузаронлик қилаётган кекса-ю ёш ўз ишини яхши билади. Ёшлар пухта билим олиб, устозлари кўмагида илм сирларини чуқур эгалламоқда. Спорт тўгаракларида ўзларини чиниқтирмоқда. ҚФЙ ҳудудидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи, 13-, 14-, 32-, 44-, 50-умумтаълим мактаблари бунга қулай имконият яратмоқда. Фарзандлар келажагига бўлган жиддий эътибордан ота-оналарнинг кўнгли равшан тортмоқда.

Мустақиллик қишлоқ аҳлига катта имкониятларни берди. Ҳудудда фермерлик ҳаракати кенгайди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайди. Тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Бундан ўн йил аввал вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ Хоразмдаги олтита қишлоқ фуқаролар йиғинидаги аҳоли Германия технологияси асосида тоза ичимлик суви билан таъминланган. Шу лойиҳа доирасида олиб борилган кенг кўламли ишлар туфайли «Олажа»да ҳам янги иншоот фойдаланишга топширилди. Эндиликда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла қондириб келаётган мазкур иншоотда қишлоқ ёшлари фаолият кўрсатмоқда.

Кўп йиллар ҳалол меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган минг нафардан зиёд ёши улуғ, пиру бадавлат отахону онахонлар эъзозу-эътиборда. Улар шукуҳли кунларга етказганига шукрона қилиб, юртга тинчлик, элга файзу барака, фаровонлик тилашади. Ахир бу саодатли кунларнинг қадри улуғ. Тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлган жойда мамлакат тараққий этади, гуллаб-яшнайди. Фуқаролар эркин ва фаровон ҳаёт кечиради.

— Қишлоғимиз аҳли аҳил. Бир-бирини яхши билади, ҳурмат қилади, — дейди «Олажа» ҚФЙ раиси Пўлатжон Бердиев. — Меҳнаткаш, изланувчан ҳамзорлар орқали аҳолига арзон нархларда сотилмоқда. Йиллар давомида отадан ўғилга, онадан қизга ўтиб келаётган бу анъана томорқалардан юқори даражада фойдаланишнинг муҳим манбаига айланиб қолган. Қўшимча даромад эвазига ҳар икки оиланинг бири шахсий енгил автомобилга эга. Хонадонларда замонавий телевизор, совутгич, чангютгич ва бошқа маиший техника буюмлари ишлаб турибди.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН

Гўзал ҳаёти билан қишлоқда бошқаларга ўрнак бўлаётган оилалар кўп. Улардан бири «Ширин» маҳалласида яшовчи Қурбондурди Бекчоновлар хонадонидир. Оила бошлиғи 77 ёшда. У 57 йилдан буён Розия Жабборова биқишлоқларимиз тиниб-тинчимайди, ўз мақсадлари йўлида дадил. Уларнинг кўпчилиги асосий ишидан ташқари томорқалардан фойдаланишни яхши ўзлаштирган. Эрта баҳордан ҳамқишлоқларимиз етиштирган помидор, бақлажон, булғор қалампири кўчатлари хонадонларнинг ўзидаёқ мижозларга сотилиб кетади. Унинг орқасидан пишиб-етилган карам, пиёз, саримсоқпиёз, картошка, сабзи каби сабзавот маҳсулотлари бозор пештахталарини безайди. Турли хил кўкатларимиз туманимиз аҳолисининг мазали таомларига хуш таъм бағишлайди.

Ери олтин, суви зар олажаликларнинг томорқаларидан олаётган даромадлари фаровон ҳаёт манбаига айланмоқда. Оилалар ўзларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаяпти. Ҳамқишлоқлар эҳтиёжидан ортган мева ва полиз маҳсулотлари болан бахтли турмуш кечириб келмоқда. Тўрт ўғил, беш қизни тарбиялаб вояга етказишган. Уларнинг ҳар бири жамиятда ўз ўрнини топган. Жумладан, тўнғич ўғли Отабек Бекчонов «Олажа» ҚФЙни кўп йиллар бошқариб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган. Эндиликда у шу ҚФЙда масъул котиб бўлиб ишламоқда. Қолаверса, касаба уюшмаларининг фаол аъзоси сифатида ҳамқишлоқларига катта наф келтирмоқда. Бор тажрибасини ишга солиб, ҳудуддаги касаба уюшмалари ва маҳаллалар фаолия-

Ҳурматли юртдошлар! Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

Ёш авлодни миллий мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий адабиётга бўлган қизиқишини ошириш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўмагида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида Соғлом бола йилига бағишлаб «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шиори остида «Болалар китоби» республика фестивали ўтказилмоқда.

Фестивалнинг бош тадбири жорий йилнинг 18-19 сентябр кунлари Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида сайл тарзида ўтказилади.

19 сентябр куни эса «Туркистон» санъат саройида фестивал якунига бағишланган **«Китоб — маънавият сарчашмаси»** шиори остида театрлашган шоу-дастур намойиш этилади.

Фестивалда республиканинг етакчи нашриётлари томонидан нашр этилган болалар китоблари, жумладан, мумтоз адабиёт намуналари, энг сара адабий-бадиий асарлар, маънавий-маърифий, энциклопедик адабиётларнинг тақдимот маросимлари, чегирмали китоб савдоси, шунингдек, болалар адиб ва шоирлари, ноширлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтади.

Барча китобсеварларни Республика «Болалар китоби фестивали»га таклиф этамиз!

Фестивал тадбирларига кириш эркин!

Маълумот учун телефонлар – 244-12-61, 244-32-33, 244-31-85

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«Соғлом бола — баркамол келажак» мавзусида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилади.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш;

- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини, турли оммавий маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;

ота она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

*- **«Бир болага етти қўшни ота-она»** шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;*

- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт;

1. Талабнома тақдим этилаётганлиги тўғрисида ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳамда давлат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қўшма кузатув хати;

2. **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳа талабномаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензия нусхаси, Низом нусхаси киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар билан ташкилот муҳри тасдиқланган шаклда.

4. «ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, давлат органи ва ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш бўйича тузилган шартноманинг нусхаси;

5. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш белгиланган ҳудудий ёки соҳавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг нусхаси.

6. **Битта давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ажратиладиган маблағ миқдори — 25 млн. сўмгача.**

Ҳужжатлар 2014 йил 2 сентябрдан 3 октябргача ҳар куни соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: **«100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Реклама ва эълонлар

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Қўштепа тумани «Машина трактор парки» ОАЖнинг 09.09.2014 йилдаги 73-сонли алоқа хатига асосан, Қўштепа тумани, Сармозор қишлоғида жойлашган «Машина трактор парки» ОАЖ автосаройида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «ГАЗ-53Б» русумли, 1980 йилда и/ч, д/р 40936 UAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 4 179 087 сўм;
2. «ЗИЛ ММЗ-554» русумли, 1981 йилда и/ч, д/р 40925 UAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 3 911 261 сўм;
3. «ЗИЛ ММЗ-554» русумли, 1984 йилда и/ч, д/р 40924 UAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 4 155 715 сўм;
4. «ЗИЛ ММЗ-45021» русумли, 1987 йилда и/ч, д/р 40116 WAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 4 049 306 сўм;
5. «ЗИЛ ММЗ-45021» русумли, 1986 йилда и/ч, д/р 40927 UAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 4 049 306 сўм;
6. «ГАЗ-53Б» русумли, 1979 йилда и/ч, д/р 40118 WAA, техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 4 179 087 сўм;

Савдолар 2014 йил 14 октябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 октябр соат 17:00.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 14 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йилнинг 21 октябр куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 17 октябр соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Ҳ/Р: 2020 8000 7049 4306 3001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Изоҳ: и/ч — ишлаб чиқарилган, д/р — давлат рақами.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг 2014 йил 19 августдаги 329-ОП сонли буйруғи ва 2014 йил 19 августдаги 09-14/456 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Спорт кўчаси, 70-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

№	Автомототранспорт воситасининг русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Техник ҳолати	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	"УРАЛ 43202"	10 827 ХАА	1990	Техник соз	175 175 000
2.	"ЗИЛ 157"	10 829 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
3.	"ЗИЛ 157"	10 830 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
4.	"ЗИЛ 157"	10 831 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
5.	"ЗИЛ 157"	10 837 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
6.	"ЗИЛ 157"	10 839 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
7.	"ЗИЛ 157"	10 840 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
8.	"УАЗ 39621"	10 536 YAA	1988	Техник соз	71 800 000
9.	"УАЗ 39621"	10 537 YAA	1987	Техник соз	71 800 000
10.	"УАЗ 39621"	10 538 YAA	1987	Техник соз	71 800 000
11.	"УАЗ 39621"	10 841 ХАА	1990	Техник соз	71 800 000
12.	"УАЗ 39621"	10 856 ХАА	1988	Техник соз	71 800 000
13.	"УАЗ 39621"	10 857 ХАА	1990	Техник соз	71 800 000
14.	"УАЗ 39621"	10 860 ХАА	1987	Техник соз	71 800 000
15.	"УАЗ 396201"	10 539 YAA	1986	Техник соз	71 800 000
16.	"УАЗ 396201"	10 842 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000
17.	"УАЗ 396201"	10 854 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000
18.	"УАЗ 396201"	10 859 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000

Аукцион савдоси 2014 йил 29 сентябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 26 сентябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 29 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 6 октябр ва 13 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 6 октябр савдолар учун 3 октябр куни соат 18:00; 13 октябр савдолар учун 10 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

«Савдо ташкилотчиси»га у кўрсатган хизматлари учун мулкнинг сотув нархидан жами 5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи мулкни сотиб олган ғолиб харидор закалат пулидан ушлаб қолинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Одамийлик сабоқлари

Кибрдан кўнгилсизлик

Содиқнинг охирги йилларда тижорат ишлари юришди. Тезда данғиллама иморат кўтаришни бошлади. Султон ота ўғлининг бемаслаҳат ишидан бироз оғринган бўлса-да гинасини сездирмади: «Ўзи топиб-тутяпти, болалари ёшлигида уй-жойини тузатиб олганиям дуруст. Фақат кибрга берилмаса бўлгани».

Унинг хавотири бежизга эмасди. Содиқнинг юриш-туриши, атрофдагиларга муомаласи ўзгарган, унча-мунча одамни назар-писанд қилмайдиган бўлиб қолганди.

Бир куни ҳовлига ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими кириб келди. Содиқ усталар билан гаплашиб турганди. Ўн икки хонадан иборат икки қаватли уй деярли битган, фақат сўнгги пайвандлаш ишлари қолганди. Султон ота меҳмонни очиқ чеҳра билан қарши олиб, ўғлини чақирди. Учовлон уйни айланиб чиқишди.

— Мен сизга айтсам, иморатни боплабсизлар, — деди ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими. — Фақат ёнғин хавфсизлиги қоидалари унутилибди. Пастки икки хонада ҳар хил бўёқ ва тез ёнувчи моддалар бор экан. У ерда газ билан пайвандлаш ишлари бормоқда. Билсангиз, бу қоидага хилоф. Устига-устак, машинани пайвандлаш ишларини махсус устахонада амалга ошириш керак.

Содиқнинг оғайниси кўпқаватли уйда яшагани учун машинасини дўстининг ҳовлисида таъмирлатаётган эди.

— Ука, сиз бу ишларга аралашманг, нима қилаётганимизни яхши биламиз, — деди Содиқ беписандлик билан. — Мана, ҳужжатларда ҳаммаси тўғри, бориб ишингизни қилинг. Агар ҳамма нарсага тумшуғингизни тиқаверсангиз, устингиздан арз қиламиз.

— Ўғлим, бу йигит уйингдан ёнғин чиқмасин, деб куйиб-пишяпти. Ўт балоси ёмон. Одамлар тириклайин ёниб кетганини кўрганман, — деб ўғлини инсофга чақирди Султон ота.

— Кўрган бўлсангиз бордир, — деди Содиқ отасига тик қараб. — Лекин шу ёшга кириб нима қуриб қўйибсизки, менга ақл ўргатасиз!

Бу гапни эшитган ота тошдек қотди. Ҳовлида қуймаланиб юрган она чидолмади:

— Шайтонга ҳай бер, болам. Отангдан кечирим сўра. Дилини оғритма.

Содиқ жаҳл билан қўл силкитаб, нари кетди.

Бегоналар олдида мулзам бўлган ота:

— Нарсаларингни йиғиштир, онаси. Қолган умримизни эски ҳовлимизда ўтказамиз. Пенсия олаяпмиз, очимиздан ўлмасмиз, — деб этак қоқиб чиқиб кетди.

Орадан кўп ўтмади. Бир кун тушлик пайти Содиқ боши эгилган ҳолда кириб келди.

— Мени кечиринг, ота, — дея Султон отанинг бағрига бош қўйиб йиғлаб юборди.

— Тинчликми, болам?

— Меҳмондорчиликдан кеч қайтиб, ҳовлида ухлаб ётгандим, бир пайт набираларингизнинг «Ёрдам беринглар», деган овозидан уйғониб кетдим. Турсам, иморатнинг биринчи қаватини олов қамраб олибди. Яхшиям, ўч ўчирувчилар етиб келишди. Келинингиз болаларни «Тез ёрдам» машинаси билан шифохонага олиб кетди. Оғайнимнинг машинаси ҳам ёниб кетди. У: «Машинани тўлайсан, унгача сеники менда туради», деб машинамни миниб кетди.

Султон ота ўғлига ачинди. Лекин юрагига алланима иликлик солгандек бўлди. Содиқ бундан ўн йилларги каби мулойим тортиб қолганди.

Нуриддин БУРҲОНОВ,
Сергели тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта муҳандиси, кичик сержант

Гўзал тонглари

тини кучайтиришга, обрў-эътиборини янада оширишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Отабек каби ҳар бир фарзандининг бугун эл корига яраётганидан Қурбондурди бобо ва Розия момо беҳад мамнун. Ахир улар бир пайтлар шундай кунларга етиб, болаларининг роҳат-фароғатларини кўришни қанчалик орзу қилишган эди. Бу йўлда оила бошлиғининг кўп йиллик педагогик тажрибаси, хонадон соҳибасининг фарзандлар тарбиясига тўғри ёндашгани иш берди. Бой-бадавлат отахону онахонинг теграсида ҳозир 31 невара, 12 чевараси парвона. Улар оиланинг бебаҳо бойлиги, таянч устунига айланган севикли бобоси-ю момосини тез-тез йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туришади.

Кўпчилик жам бўлган кун хонадонда худди тўйга айланиб кетади. Қариялар ғам-ташвишларни унутиб, худди болаликка қайтгандек бўлишади. Ёшларнинг бугунги ҳаётига ҳавас қилишади. Уларнинг қаторида ўзларини ҳам ёш бўлиб қолиб, юртга янада кўпроқ хизмат қилгилари келади. Зеро, одамзотнинг орзулари тугамайди. Дилига ҳамиша яхши ниятларни тугиб яшайди. Шу орзу-ниятлар билан ўз мақадлари сари дадил интилади. Ибратли турмуши, самарали меҳнати билан ўз ҳаётини безайди, хонадонни чороғон этади.

Яқинда Қурбондурди бобо ва Розия момонинг тўнғич невараларидан бири — «Оби ҳаёт» иншоотида ишловчи Ўткир Бекчонов оиласи билан ҚФЙ ҳудудида барпо этилган намунали уй-жойларнинг бирига кўчиб ўтди. Янги уйда нишонланган ҳовли тўйлари Бекчоновлар сулоласининг байрамига айланиб кетди. Бундай қувончли кунлар аҳил ва иноқ оила ва унинг яқинлари учун ҳали-бери тугамайди. Сулоланинг яна уч вакили ўз оиласи билан истиқлол айёми арафасида ишга туширилган шундай уйларда янги ҳаёт бошлади.

— Мустақиллик бўлмаганида бундай кунлар қайда бор эди, — дейди Қурбондурди бобо. — Истиқлол туфайли бошимизда бахт қуёши балкди. Шаҳару қишлоқларимиз бирдай обод бўлиб бормоқда. Юртимиз йил сайин гуллаб яшнаяпти. Бу — бизнинг бахтимиз.

«ОЙДИН ҲАЁТ»ДАГИ ОБОД ТУРМУШ

Урганч – Ҳазорасп автомагистралининг шундоққина ёқасида кейинги уч йил ичида барпо этилган 68 та намунали уй-жой «Олажа» қишлоғидаги «Ойдин ҳаёт» маҳалласига бугун ўзгача файзу тароват бағишламоқда. Янги уйларда яшаётган 245 нафар аҳолининг обод турмушига кўпчилик ҳавас қиляпти. Бу замонавий уйлар, аввало, ўзининг кўриниши ва қатор қулайликлари билан ажралиб туради. Хоналари кенг, ёруғ ва шинам. Ҳар бир уй «Олажа»нинг болдай ширин ичимлик суви билан таъминланган. Ҳовлиларда очилган анвойи гуллар ва илк ҳосилга кирган мевали дарахтлар кўзни яшнатади. Жойларда намунали уйларни ишга туширишдаги ҳаракати кенг миқёсда бошланиб кетганлигини эшитган қишлоқ аҳли бизларга ҳам шундай шароитларда яшаш насиб этармикан, деган фикрни кўнгилларидан ўтказган эди. Эндиликда ширин орзулар ҳақиқатга айланди. «Ойдин ҳаёт»даги обод турмуш ҳамманинг эътиборини торта бошлади. Унинг ҳаёти, обод турмуши билан яқиндан танишгани ўзимизни қўйинг, ҳатто чет эллардан ҳам меҳмонлар келиб туришибди. Улар кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари бораётган юртимизда маҳалла институтини шакллантириш ва ривожлантириш борасида тўпланган бой таржрибаларни ўрганишмоқда. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган «Ойдин ҳаёт» маҳалласида қарор топган яхши ишлар, янги анъаналар, янгиликлар билан танишмоқдалар. Унда қишлоқ инфратузилмасининг бугунги ривожи ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Янги уйларга кираверишдаги кенг ва равон йўлларнинг икки чети яшил майсалар билан қопланган. Унинг атрофида барпо этилган мажмуа ўзида қатор соҳаларни бирлаштирган. Маҳалла фуқаролар йиғини, милиция таянч пункти, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси шу мажмуадан ўрин олган. Бундан ташқари, унда тикувчилик устахонаси, хўжалик моллари дўкони ва бошқа тармоқлар жойлашган. Мажмуа рўпарасида болалар ўйин майдони, қишлоқ аҳлининг спортнинг теннис, футбол, волейбол, баскетбол ва бошқа оммавий турлари билан шуғулланишларига имкон берувчи майдончалар спортсеварлар хизматида. Кунига 1,5 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Иссиқ нон» корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 50 ўринли чойхонада тайёрланган миллий таомлар мижозларга манзур бўлмоқда. АТ «Агробанк»нинг Хонқа филиалига қарашли янги мини банк мижозлари тобора кўпаймоқда.



— Янги уйларга талаб кучайиб бормоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Худойберганов. — Шунга монанд бунёдкорлик ишлари ҳам қизғин паллага кирмоқда. Яна 19 та намунали уй-жой қурилади. «Ойдин ҳаёт» ривожланишдан асло тўхтамайди. У йил сайин янги кўриниш ва қиёфага эга бўлиб бораверади...

«Олажа»нинг тонглари гўзал, эртаси ойдин. Чунки бу қишлоқ аҳли ўз ерини, Ватанини севади, унинг қадрига етади.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
журналист

Тадбир

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

«Ситораи Моҳи Хоса» МЧЖда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда санаторий ходимлари ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар билан барча йиғилганларни хушнуд этишди. Фаол иштирокчиларга маъмурият ҳамда касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ж.ЖЎРАЕВ,
Санаторий маданият уйи мудири

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Чоштепа» ҚФЙ, «Турғунбой Соҳибкор» агрофирмаси ҳудудида жойлашган «NAFIS SALTANAT» фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 6,40 гектардаги 5,80 гектар «Узумзор» қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 2133000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 октябр куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган «Узумзор» нинг такрорий савдоси 2014 йилнинг 28 октябр куни соат 11-00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» ОАИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

икки нусхадаги буюртманома; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 18.00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган. RR – №0008.

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ҳамроқул Қодировга турмуш ўртоғи **Мунира АЛИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт оламида

ВЕЛОМАРАФОН

Ёшларнинг маънавий тарбиясини кучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этиш орқали велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бўлими ва қатор манфаатдор вазирликлар билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида «Kamolot-TUR» VII ёшлар веломарафонининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

ҲАВАСКОРЛАР ШИДДАТИ

Мусобақада шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 208 нафар велопойгачи иштирок этди.

— Бугунги мусобақа замирида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг амалий ифодасини топмоқда, — дейди республика КУТБК раиси муовини Х. Ермагамбетов. — Мақсад — жисмонан соғлом, маънавий дунёқараши етук, комил фарзандларни тарбиялаб, камолга етказиш.

Якунда Илҳом Есалиев 9-14 ёшдаги пойгачилар орасида, Азизбек Жолғасбоев 15-17 ёшдагилар орасида, Пана Даўлетбоев 18-30 ёшлилар орасида ғолиб бўлди. Голиблар финал босқичи йўлланмаларини қўлга киритди.

Ёшларга ташкилотчилар тамонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

АЁЛЛАР СПОРТИ

Спортнинг асосий мақсади тинчликсеварлик, ҳамжиҳатлик ва саломатлик учун курашишдир. Фидойи ва ташаббускор аёлларнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига ўз интилишлари ва ғояларини қўллаб-қувватланишини сўраб мурожаат этаётгани аҳолида, аввало, ўз соғлигига эътибор, шунингдек, жамоатчилик фаоллиги ва фуқаролик масъулияти кучайиб бораётганидан далолат беради.

БАРДАМЛИК ИСТАСАНГИЗ...

Шу мақсадда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Миллий боғда кўнгилли хотин-қизлардан иборат «Соғлом назар» номли спорт-соғломлаштириш гуруҳи жамоатчилик асосида ташкил этилган. Гуруҳда Тошкент шаҳрининг 8 та туманидаги 25 та маҳалладан 135 нафардан ортиқ хотин-қиз машғулотларда иштирок этади. Куни кеча мазкур гуруҳнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Гуруҳда ўтказилаётган машғулотлар уларнинг ёш хусусиятлари ва саломатлик даражасини инобатга олган ҳолда тузилган. Қатнашчилар учун сўровнома ташкил этилган. Шунга мувофиқ ҳар бир хотин-қизнинг истак ва хоҳишига биноан жисмоний тарбия машқлари оҳиста, сокин ва тартиб билан кетма-кетликда олиб борилади.

Гуруҳ аъзолари эрталаб соат 5:00 да боғда йиғилиб, мураббий раҳбарлигида машғулотларни бошлайди. Машғулотларнинг давомийлиги 1 соат 20 дақиқа. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қиздирувчи, чўздирувчи ва соғликни мустаҳкамловчи машқлар, яъни, танани тортиш, буриш, эгилиш машқлари орқали оғриқли жойларга таъсир кўрсатилади.

— Бу гуруҳни ташкил этиш осон бўлгани йўқ. Лекин астасекин ҳаммаси изга тушиб кетди. Сафимиз кун сайин кўпайиб бормоқда. Аъзоларимизнинг кундан-кунга соғломлашиб бораётгани, юзларидаги қувончни кўриб, саъй-ҳаракатларимиз самара бераётганидан хурсанд бўламан, — деди гуруҳ раҳбари Махфират Қурбонова.

— Аввалларида кўпроқ юрсам, чарчаб қолардим. Бу машғулотларга қатнашни бошлагандан бери, ўзимни бардам ҳис этяпман. Ҳозир оиламизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун зўр бериб ҳаракат қиляпман, — деди пенсионер Қундуз Имомхўжаева.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

ОММАВИЙЛИК

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Сирдарё вилоят филиалида 420 га яқин ходим меҳнат қилади. Филиал маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари, шунингдек, шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари иштирокида «Маънавият соатлари» ўтказиш анъана тусини олган.

ШАРОИТ БОРКИ, САМАРАДОРЛИК БОР

Таъкидлаш лозимки, филиал ходимлари турли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб келишади. Яқинда филиал ходимлари — Дилафруз Эргашева ва Дилдора Саримсоқова Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида республика алоқа тизими ходимлари ўртасида ўтказилган стол тенниси мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашгани ҳам саъй-ҳаракатлар самараси деб айтиш мумкин.

Ходимларни спортга янада кенг жалб этиш мақсадида филиал маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан совға ҳозирланди. Филиал биносида спорт зали ишга туширилди. Ушбу спорт залининг реконструкция ишлари ва спорт жиҳозлари билан таъминланишига 30 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ сарф этилди.

— Ходимларимиз учун ҳафта кунларини белгилаб қўйдик, — деди филиал бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Абдуматов. — Йигитларимиз орасида яхши футболчилар, оғир атлетикачилар бор, қизларимиз кўпроқ стол тенниси, енгил атлетика билан шуғулланади. Эндиликда маҳоратни ошириш учун барча шароит мавжуд.

— Бу меҳнатимиз қадрланаётганлигининг белгиси, — деди филиал умумий бўлим мутахассиси Хадича Воисова. — Қизлар билан ишдан кейин бу ерда шуғулланиш енгил ва тетик бўлиб уйга қайтишимизга ёрдам беради. Кайфиятимиз ҳам аъло бўлиши, шубҳасиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

АНЖУМАН

Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» халқаро бизнес марказида спортда юксак натижаларга эришаётган ёшларни шарафлаш анжумани ўтказилди.

ЭҲТИРОМ

Тадбирни вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов очиб, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган андижонлик йигит-қизларни қизғин қутлади. Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўқ отиш бўйича фахрли тўртинчи ўринни эгаллаган Вадим Скороваров ҳамда унинг устози, моҳир мураббий Зарифа Юсуповаларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этган йигит-қизларнинг оналарини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги қарорига асосан, В. Скороваровнинг онасига икки камерали музлатгич тақдим этилди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда «Мерос» ансамбли йиғилганлар қалбига хуш кайфият улашди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

ФУТБОЛ

Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Таиландда давом этаётган Осиё чемпионати «С» гуруҳи учрашувлари ниҳоясига етди. Учинчи турда Ўзбекистон терма жамоаси Қувайт ўсмирларига қарши майдонга чиқди.

БУ ЁҒИ ЯНАДА ҚИЗИҚАРЛИ

Қизиқарли кечган ўйиннинг 9-дақиқасида Савелий Абрамовнинг голидан сўнг вакилларимиз олдинга ўтиб олишди. Жонибек Кўчимовнинг 42-дақиқада пенал тидан киритган тўпи муддатидан аввал хотиржамликка сабаб бўлди.

Бундан фойдаланган қувайтликлар ташаббусни қўлга олишди: Абдулазиз ал-Ҳадиён (44-дақиқа) ва Ҳолид Муҳаммад (45+1)нинг голлари эвазига ҳисоб тенглашди.

Хайриятки, танаффус ёш футболчиларимиз фойдасига ишлади. 68-дақиқада ўйиндан-ўйинга очилиб бораётган Сухроб Нуруллоев рақиб ҳимоячиларининг бир нечтасини ортда қолдириб, дарвозага аниқ ва кучли зарба йўллади — 3:2. Қолган дақиқаларда ҳам ўсмирларимизнинг устунлиги сезилиб турди. Ўйинга қўшиб берилган тўртинчи дақиқада захирадан майдонга тушган Худойберди Холиқов дарвозабонни ҳам алдаб ўтиб, чиройли гол муаллифига айланди — 4:2.

Шу тариқа Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 7 очко билан ўз гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритди.

— Гуруҳ босқичидаги иштирокимизни муваффақиятли якунладик. Бундан жуда хурсандмиз. Кези келганда, мухлисларимизга миннатдорлик билдиришни истардим. Улар ҳар бир ўйинимизга ташриф буюриб, бизни қўлламоқдалар. Шунинг учун ўз уйимизда ўйнагандек бўляпмиз, — деди бош мураббий Александр Мочинов матбуот анжуманида. — Албатта, келгуси ўйинга қадар йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш устида жиддий ишлашимизга тўғри келади. Биз шундай ўйнашимиз керакки, рақиб танлашга ҳожат ҳам қолмасин.

Дарвоқе, вакилларимиз чорак финалда «D» гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритган Сурия терма жамоасига қарши баҳс олиб боради. Учрашув 14 сентябр куни соат 18:00да бошланади. Чорак финалда ғалаба қозонган терма жамоа келаси йили Чили давлатида бўлиб ўтадиган ўн етти ёшлилар ўртасидаги Жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлади.

Қуйида чорак финалнинг қолган жуфтликлари билан танишинг: **Жанубий Корея — Япония; Австралия — Малайзия; Эрон — КХДР.**

ТЕННИС

ИСТЕЪДОДНИ ЧАРХЛАР БУ МАСКАН

Бухоро шаҳридаги 7-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида 379 нафар ўғил-қиз спортнинг теннис, бадминтон, камондан ўқ отиш каби турлари бўйича маҳорат сирларини ўрганмоқда.

Замонавий жиҳозланган спорт масканида машғулотлар юксак савияда ташкил этилади. Айниқса, теннис машғулотларига қатнашувчилар сони ортиб бораётир. Бунинг самарасида мактаб тарбияланувчилари теннис бўйича мамлакат ва халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Суратда: ёш теннисчи Сабина Қосимова.

ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

ШАХМАТ

Юртимиз шахматчилари орасида халқаро гроссмейстер талабини бажарган спортчилар сафи яна биттага кенгайди.

ЖАҲОНГИР — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Бундай номга самарқандлик истеъдодли шахматчи, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Жаҳонгир Воҳидов сазовор бўлди.

Эътиборлиси, Жаҳонгирнинг отаси Тоҳир Воҳидов ҳам халқаро гроссмейстер унвонига эга. Жаҳонгир 16 ёшида «Халқаро тоифадаги спорт устаси» талабини бажарган бўлса, орадан уч йил ўтиб, халқаро гроссмейстер унвонига лойиқ топилди.

Шу тариқа, халқаро гроссмейстерларимиз сони 11 тага етди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

БОКС

ТАЛАБАЛАР МУСОБАҚАСИ

Россиянинг Якутск шаҳрида талабалар ўртасида бокс бўйича VI жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилмоқда. Дунёнинг 14 давлати вакиллари иштирокида ўтаётган мазкур мусобақада мамлакатимиз вакиллари ҳам ғолиблик учун баҳс юритишмоқда.

Мазкур чемпионатда 17-28 ёшли чарм қўлқоп усталари 10 вазн тоифасида кураш олиб бормоқда.

Мусобақанинг чорак финал беллашувларида ғалаба қозонган боксчиларимиз — Шаҳрам Ғиёсов (-64 кг.), Улуғбек Ҳақбердиев (-75 кг.) ва Мирзобек Ҳасанов (-91 кг.) ярим финал йўлланмаларини қўлга киритди.

Финал баҳслари 14 сентябр куни ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 30 сентябр куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 05.05.2014 йилдаги 11-1435/2324-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент вилояти Қибрай тумани «KRONOMAX» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 08.09.2014 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 09.09.2014 йилдаги 56-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 10 % га арзонлаштирилган ҳолда, яъни 385 109 550 (Уч юз саксон беш миллион бир юз тўққиз минг беш юз эллик) сўм бўлган Тошкент вилояти Қибрай тумани, Байтқўрғон Қ.Ф.Й. манзилида жойлашган умумий ер майдони 1 425,0 кв.метр, қурилиш майдони 752,76 кв.метрдан иборат омборхона бино-иншоотлари ҳамда 8 номдан иборат товар ва моддий бойликлари билан бирга мужассам ҳолда такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 29 сентябр кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар (8 номдан иборат товар ва моддий бойликларининг рўйхати, номи, тавсифи) билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -02.20
Topshirildi -03.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13972 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5